

**Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бўлимининг 2025 йил
25 августдан 29 августгача амалга оширилган ишлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда - Жамғарма) нинг 14.08.2025 йилдаги 82-хс-сонли буйруғига асосан Жамғарманинг тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бўлими томонидан 2025 йил 18 августдан 22 августгача **Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонасида, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида ҳамда Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида** Жамғарма билан тасдиқланган шартнома шартлари бажарилиши бўйича ўтказилган мониторингларнинг ҳисоботлари тайёрланиб, билдирги билан Жамғарманинг ижро этувчи директор ўринбосари Ш.Иноятовга киритилди.

2. ССВнинг 17-сонли буйруғининг Глобал (стационар) тиббиёт муассасалари бўйича ҳисоботларни ҳудудий бўлинмалардан маълумотлар йиғилиб, умумлаштирилиб бюджетни шакиллантириш ва ижро этиш бўлими бошлиғи Н.Умровга киритилди.

3. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳудудий бўлинмалар кесимида 2025 йил 7 ойи давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий марказининг 14 та ҳудудий филиалларининг ХКТ-10 (МКБ-10)нинг муаъян синфларига киритилган ташхислар (касалликлар) бўйича даволанган ҳолатларнинг клиник ўхшаш гуруҳлари ва уларнинг оғишиш коэффициентлари тўғрисидаги 16-илова ҳисобот шакли маълумотларини ҳудудий бўлинмалардан йиғилиб, умумлаштирилиб бюджетни шакиллантириш ва ижро этиш бўлими бошлиғи Н.Умровга киритилди.

4. 2025 йил 27 - август кунлари соат 15-00 дан 17-00гача Жамғарманинг тегишли бўлимлари, ДТСЖнинг ТХСНҚ бўлими ходимлари иштирокида ПФ-88-сонли фармон ижроси бўйича ZOOM платформаси орқали ўтказилган йиғилишида иштирок этилди.

5. 2025 йил 28 - август кунлари соат 10-30 дан 12-50 гача Жамғарманинг тегишли бўлимлари, ДТСЖнинг ТХСНҚ бўлими ходимлари ZOOM платформаси орқали Польша ва Португалия давлатларининг халқаро экспертлари иштирокидаги онлайн дебрифингда иштирок этилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сонли Қарорига мувофиқ Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан 2025 йил 7 ой мобайнида амалга оширилган ишлари юзасидан маълумотлар йиғилди.


7. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2025 йил 19 июндаги”ги ПФ-88-сонли Фармони ҳамда 19.05.2025 йилдаги ПК-185-сонли қарори ижроси бўйича Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Худудий бўлинмалари ходимлари томонидан тажриба -синов лойиҳаси доирасида танланган туман (шаҳар) тиббиёт муассасаларида амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги **кунлик маълумотларни** умумлаштирилиб иловага мувофик **ССВга тақдим этилмоқда.**

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги”ги ПФ-88-сонли Фармони ҳамда 19.05.2025 йилдаги ПК-185-сонли қарори ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги **маълумотларни** Худудий бўлинмалари ходимлари томонидан **cloud.dtsj.uz – дастурига кунлик** жойлаштирилиши назорати олиб борилмоқда.

9. Жамғарманинг тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бўлимига “ЭДО.ИЖРО.УЗ” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидаги бўлимга тегишли топшириқлар ижроси билан шуғулланилди.

Маълумотлар илова қилинади.

ДТСЖ Тиббий хизматлар сифатни
назорат қилиш бўлими бош бошлиғи



Д. Турсунова